

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ТОҲИРОВ ЖАХОНГИР АБДУВОҲИД ЎҒЛИ

**АЛИ ҚУШЧИНИНГ “ШАРҲ ТАЖРИД АЛ-КАЛОМ” АСАРИ –
ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ КАЛОМ ИЛМИГА
ОИД МУҲИМ МАНБА**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
historical sciences**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
историческим наукам**

Тоҳиров Жаҳонгир Абдувоҳид ўғли

Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари – темурийлар

давридаги калом илмига оид муҳим манба 5

Tokhirov Jakhongir Abduvokhid ogli

The book of Ali Kushchi "Sharh Tajrid al-Kalam" – as an important source

on the science of kalam in the Timurid epoch.....23

Тоҳиров Жаҳонгир Абдувоҳид угли

Произведение Али Кушчи «Шарх Таджрид аль-калам» – как важный

источник по науке калам в эпоху Тимуридов.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....45

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ТОҲИРОВ ЖАХОНГИР АБДУВОҲИД ЎҒЛИ

**АЛИ ҚУШЧИНИНГ “ШАРҲ ТАЖРИД АЛ-КАЛОМ” АСАРИ –
ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ КАЛОМ ИЛМИГА
ОИД МУҲИМ МАНБА**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tar594 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.iiaw.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаджанов Бахтиёр Миранович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хасанов Аҳаджон Аҳмеджанович
тарих фанлари доктори, профессор

Файзиёв Хуршид Тургунович
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "13" сентябр соат 14⁰⁰ даги бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiaw.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (105-рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiaw.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «31» август куни тарқатилди.

(2022 йил 27 августдаги 8-рақамли реестр баённомаси)



Д.Р.Махсудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

З.М.Исламов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фани тарихида Амир Темур ва темурийлар ренессанси даврида етишиб чиққан олимларнинг ислом илмларига оид асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу даврда фаолият юритган мовароуннаҳрлик қомусий олим Али Қушчи (805-878/1403-1474) риёзиёт (الرياضيات), фалакиёт (علم الفلك), араб тилининг балоғати (البلاغة) ва сарфи (الصرف) сингари фанлар билан бир қаторда, тафсир (التفسير), фикҳ (الفقه), каломга (الكلام) оид қимматли асарлар ёзган. Унинг “Шарҳ Тажрид ал-калом” (شرح تجريد الكلام – “Каломни саралаш” асари шарҳи) номли илк асари ўрта асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Усмонли турк империяси ҳудудларида кенг тарқалган. Ҳозирда Туркия, Миср ва Эронда калом илмига оид манбалар қаторида эътироф этилади. Мазкур асар темурийлар даври калом илми ривожига ва ундаги тенденцияларни илмий-концептуал очиб беришда долзарб аҳамият касб этади.

Дунёдаги халқаро исломшунослик илмий-тадқиқот марказларида калом илми бўйича изланишлар икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчи – “Классик-мумтоз калом илми” (علم الكلام التراثي – الكلاسيكي) йўналишидаги тадқиқотларда асосий эътибор Абу Ҳанифа, Мотуридий, Ашъарий, Насафий, Ғаззолий, Розий каби ақида ва калом олимларининг VIII-XII асрларга оид классик асарларидаги фундаментал анъанавий тамойилларга қаратилмоқда. Иккинчи – “Янги-замонавий калом илми” (علم الكلام الجديد – الحديث) йўналиши XX асрда юзага келиб, Шиблий Нўъмоний, Ваҳидуддин Хон ва Абдужаббор Рифоий кабиларнинг каломий масалаларга оид янги-замонавий қарашлари, атеистлар билан баҳслари илгари сурилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Калом илми мактаби ташкил этилиб, уларда исломшунос мутахассислар томонидан мумтоз калом илми вакиллариининг илмий мерослари тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” (الفقه الأكبر – “Энг катта фикҳ”), Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” (تأويلات القرآن – “Қуръон изоҳлари”) ва “Китоб ал-Тавҳид” (كتاب التوحيد – “Тавҳид ҳақида китоб”), Абу Муин Насафийнинг “Табсира ал-адилла” (تبصرة الأدلة – “Далиллар шарҳи”), Абу Ҳафс Насафийнинг “Ал-Ақоид” (العقائد – “Ақидалар”) асарларининг ўзбек тилидаги изоҳли таржималари амалга оширилди. Шу жиҳатдан, Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари темурийлар даври калом илмига оид муҳитни очиб беришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июндаги 519-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг кутубхона фондини хорижий адабиётлар билан бойитиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темурийлар даври, калом илми, Али Қушчининг ҳаёти ва илмий мероси, хусусан, “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари бўйича қилинган илмий ишларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин: Мусулмон Шарқи; замонавий турк, араб ва форс; европалик; ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчилар.

Мусулмон Шарқи олимларидан ўрта асрларда Хондамир Ғиёсиддин (1473-1534), Исомиддин Тошкўпризода (1495-1561), Ҳожи Халифа (1608-1657), Шиҳобиддин Димашқий (1622-1679), Абдулғани Ноблусий (1640-1730), Абдулхай Лакнавий (1847-1889), Хайриддин Зириклий (1893-1976) кабилар ўз асарларида маълумот берганлар¹.

Замонавий турк², араб ва форс тадқиқотчиларидан А.Адивар, С.Унвер, М.Жунбур, Э.Фазли ўғли, Ж.Ражаб, Ч.Ойдин, Б.Карлига, Ҳ.Ўзар, А.Йилдирим, М.Дизар кабилар 100 га яқин илмий ишларини олим ва унинг асарларига бағишлаганлар. Собир Абдух, Меҳмет Фотих, Аҳмад Обидий “Шарҳ Тажрид ал-калом”нинг илоҳиёт қисмини, Аҳмад Афибий эса, Али Қушчининг араб тилшунослигига оид асарини тадқиқ қилганлар³.

¹ Хондамир Ғиёсиддин. Ҳабиб ас-сияр фи ахбор-и афрод-и башар, I-IV, Муҳаммад Дабир Сиёкий, - Техрон: Китобхоне-и Ҳайём, 1333/1915. С. 796; Исомиддин Аҳмад б. Мустафа Тошкўпризода. Аш-шақоик ан-нуъмония. -Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий, 1975; Исомиддин Аҳмад б. Мустафа Тошкўпризода. Мифтоҳ ас-саода ва мисбоҳ ас-сиёда фи мавдуют ал-улум.-Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1975; Ҳожи Халифа Мустафо б. Абдуллох. Кашф аз-зунун. -Байрут: Дор Ихё ат-турок ал-арабий, 2001; Шиҳобиддин Абдулхай Димашқий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбор мин заҳаб. -Байрут: Дор ал-масира, 1979. Ж.VIII; Муҳаммад Адлухай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахия фи тарожим ал-ханафия. -Байрут: Дор ал-Арқам б. Аби ал-Арқам, 1998; Абдулғани Ноблусий. Таҳқиқ ал-интисор фи иттифоқ ал-Ашъарий ва ал-Мотуридий ало халқ ал-ихтиёр; Хайриддин Зириклий. Ал-Аълум. -Байрут: Дор ал-илм ли-л-малойин, 1998.

² Турк олим ва тадқиқотчиларининг Али Қушчи ҳамда унинг асарларига бағишланган 86 та мақола, китоб ва тадқиқотлари рўйхати (<https://alikuscu.com/bibliyografiya/>) ва 13 та тадқиқот тавсифи иловада келтирилган.

³ Adnan Adıvar. Ali Kuşçu, İA, Eskişehir, 1997; Süheyl Ünver. Türk Pozitif Bilimler Tarihinden Bir Bahis: Ali Kuşçu Hayatı ve Eserleri, İstanbul, 1948; Müjgan Cunbur. Ali Kuşçu Bibliyografyası, Ankara, 1974; Cengiz Aydın. Ali Kuşçu. DİA. -Ankara, 1989; İhsan Fazlıoğlu. Ali Kuşçu, Yaşamları ve Yapıtlarıyla Osmanlılar Ansiklopedisi, İstanbul, 1999; İhsan Fazlıoğlu. Qushji: Abu al-Qasim Ala ad-din Ali ibn Muhammad Qushci-zade, The Biographical Encyclopedia of Astronomers, Springer Reference. -New York, Springer, 2007; Jamil Ragep. Ali Qushji and Regiomontanus: Eccentric Transformations and Copernican Revolutions, Journal for the History of Astronomy, 2005; Bekir Karlığa. Ali Kuşçu, Eyüp Sultan Sempozyumu VI, İstanbul, 2003; Hasan Özer. Ali Kuşçu ve “Hâşiye ale’t-Telvîh” eseri, İslâm Hukuku Araştırmaları Dergisi, 2009; Abdullah Yıldırım. Ali Kuşçu ve Risâle fi vaz’i’l-müfredât’ı” İslâm Araştırmaları Dergisi, İstanbul, 2008; Muammer Dizer. Ali

Европалик олимлардан К.Брокельман (1868-1956), Н.Альфонсо (1872-1938), В.Шеглов (1904-1985) ва Э.Бадин ўз тадқиқотларида Али Қушчининг илмий мероси ҳақида бир нечта қайдларни келтирганлар. Хусусан, К.Брокельман ўз каталогида унинг математика ва астрономияга оид асарлари нусхалари ҳақида сўз юритган, аммо ислом илмларига оид асарлари унинг эътиборидан четда қолган. Э.Бадин Али Қушчининг табиий фанлар ва калом илмига ҳисса қўшгани, ханафий олимлар қаторида эътироф этилгани, “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари мустақил асарга айлангани, бироқ, ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаганини таъкидлаган⁴.

Ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчилардан А.Асқаров, А.Абдурахмонов, У.Уватов темурийлар даври ҳақида; Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Ш.Зиёдов, С.Оқилов, Ҳ.Сағдиев, А.Аллоқулов, Ў.Палванов калом илми ҳақида; А.Аҳмедов, М.Қодиров, Ҳ.Арслонов, Б.Абдуллаев Али Қушчи ҳаёти ва илмий мероси ҳақида; А.Муминов “Тажрид ал-калом”нинг сунний шарҳлари, Д.Махсудов Али Қушчининг тафсири, Ҳ.Аминов унинг ханафийлик фикҳи ва мотуридийлик ақидасига оид асарлари ҳақида ўз илмий ишларида маълумот берганлар⁵.

Мазкур тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Али Қушчининг темурийлар даври калом илми ривожига қўшган ҳиссаси, “Шарҳ Тажрид ал-калом”

Kuşçu, Ankara, 1988.

Собир Абдух. Шарҳ ал-Қушжий ало Тажрид ал-ақоид ли ат-тусий, мабҳас ал-Илоҳиёт.- Искандария: Дор ал-вафо, 2002; Аҳмад б. Муҳаммад Ардабили. Ал-Ҳошия ало илоҳиёт аш-шарҳ ал-жадид ли ат-тажрид. Аҳмад Обидий.-Қум: Дафтар таблиғот исломий, 1416/1995; Mehmet Fatih Soysal. Ali Kuşçu'nun Şerhu Tecridi'l-keîâm'ından usûl-i selâse konularinin tahkiki ve ilâhiyat meselelerinin tahlili. -İstanbul, 2014. Аҳмад Афибий. Али Қушчи “Унқуд аз-завоҳир фи ас-сарф”.-Қоҳира: Дор кутуб ал-мисрия, 2001.

⁴ Carl Brockelmann. Geschichte der arabischen Litteratur (GAL). -Leiden, 1938; Nallino Carlo Alfonso. Arabian astronomy: its history during the medieval times. Rome. 1911; Шеглов В. Улуғбек расадхонаси, -Т., 1980; Edward Badeen. Sunnitische Theologie in osmanischer Zeit, Würzburg, 2008.

⁵ Асқаров А. Темур ва Улуғбек даври тарихи.-Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996; Абдурахмонов А. Улуғбек академияси.-Т., 1994; Абулаббос Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Димашқий. Ажойб ал-мақдур фи тарихи Таймур / Таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: ф.ф.н. Уватов У. -Т.: Меҳнат, 1992. - Ж. I. - 326 б.; - Ж. II. - 191 б.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ақоид илмлари ва унга боғлиқ масалалар. - Т.: Шарқ, 2010. - 352 б.; Самарқанднинг сара уламолари. - Т.: Nilol-Nashr, 2014. - 112 б.; Ш.Зиёдов. Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг “Китоб ат-таъвилот” асари. - Т.: Фан, 2009. - 140 б.; Оқилов С. Абул Муъин ан-Насафий ва унинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси (Табсирату-л-адилла мисолида). Тарих фанлари номзоди...дис. - Т.: Тошкент ислом университети, 2006; Абу Мансур Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти / Монография. - Т.: Nilol-Nashr, 2020. - 376 б.; Сағдиев Ҳ. Абу Жаъфар Таҳовий илмий мероси ва унинг “Ақида” асари / Монография. - Т.: “Nilol-Nashr”, 2017. - 192 б.; А.Аллоқулов Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили. Тарих фанлари бўйича PhD...дис.-Т., 2018.-153 б. Палванов Ў. Саъдуддин Тафтазонийнинг Темурийлар даври мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси. Тарих фанлари бўйича PhD...дис. - Т., 2018. - 210 б.

Аҳмедов А. Али Қушчи. <https://www.e-tarix.uz/shaxslar/506-cola.html> (07.04.2022 й. да кўрилди); Қодиров М. Али Қушчи // Маънавият юлдузлари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. Арслонов Ҳ. Улуғ султоннинг фарзанди аржуманди” <https://postda.uz/> (15.10.2018); Абдуллаев Б. Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари // Мерос. -Т., 2019. -№2. -Б. 50.

Муминов А. Научное наследие ханафитских ученых Центральной Азии и Казахстана: Монография. - Астана. 2018. -174 с.; Yazıcıoğlu Mustafa Sait. XV. ve XVI. Yüzyıllarda Osmanlı Medreselerinde İlm-i Kelam Öğretimi ve Genel Eğitim İçindeki Yeri // İslam İlimleri Enstitüsü Dergisi, sy. IV, Ankara, 1980. -283 s. Махсудов Д. Мовароуннахр ханафий мазҳаби тафсириларининг қиёсий таҳлили (XIII-XV асрлар). Тарих фанлари бўйича DSc...дис. - Т., 2020. - 362 б.; Аминов Ҳ. <https://ahlisunna.uz/moturidiylar-haqida-bashorat> (02.02.2022 й. да кўрилди)

асаридаги илоҳиёт масалаларининг тарихий ва замонавий аҳамияти тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган ФЗ-202002144 «Мотуридия таълимотига оид ақидавий матнларнинг академик таржима ва шарҳлари ҳамда уларнинг электрон кутубхонасини яратиш» мавзуидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Али Қушчининг темурийлар даври калом илми ривожига қўшган ҳиссасини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳрдаги диний-маърифий муҳитни ёритиш;

XIV-XV асрлардаги мовароуннаҳрлик олимларнинг калом илмига оид асарлари хусусиятини аниқлаш;

Али Қушчи шахсияти ва илмий меросига тавсиф бериш;

“Шарҳ Тажрид ал-калом” нусхаларининг кодикологик таҳлилини амалга ошириш;

Али Қушчи асарининг “Тажрид ал-калом” шарҳ ва ҳошиялари орасида тутган ўрни, унинг манбалари ҳамда услубини очиқ бериш;

асардаги ақидавий мавзуларнинг талқинини ёритиш;

Яратувчи сифатлари борасидаги баҳсларнинг тарихий жиҳатларини очиқ бериш;

Илоҳиёт масалаларидаги нақлий ва ақлий далиллашнинг замонавий аҳамиятини илмий асослаш ҳамда уларни қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети “Шарҳ Тажрид ал-калом” асаридаги илоҳиёт масалаларининг тарихий ва замонавий аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихий хронологик ва қиёсий типологик, диалектик ва мантикий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ислом илмларининг (العلوم الإسلامية) ёйилиш ва ривожланиш замони саналган IX-XII асрларда диний эътиқодни тўғри талқин этиш мақсадида калом илмида “матнлар” (المتون) туркумидаги кичик рисоалар (المؤلفات العقائدية) ёзилгани, темурийлар даврига (XIV-XV) келиб эса, уларни кенгроқ англашга эҳтиёж ортгани сабабли “шарҳлар” (الشروح) ёзиш тенденциясининг жадаллашгани 29 та асар асосида очиқ берилган;

Али Қушчи 15 ёшида Кирмонда биринчи асари – “Шарҳ Тажрид ал-калом”ни (شرح تجريد الكلام) ёза бошлагани, 25 ёшидан эса, “Зиж” га шарҳ (شرح زيج) битгани мисолида ўрта асрлар илмий анъанасига мувофиқ қомусий

олимларнинг, аввало, диний илмларни ўзлаштириб, кейин аниқ ва табиий фанларни ривожлантиргани асосланган;

олим ўз шарҳида баҳсли бўлган масала – амалнинг (العمل) имон (الإيمان) шартига кирмаслигини («иржоъ» الإرجاء) имоннинг жойи қалбда экани (3 та оят, 2 та ҳадисга кўра), амал эса, тана аъзолари билан бажарилиши далили асосида исботлаб бергани аниқланган;

аллома Али Қушчи Тусийнинг аниқ фанларга оид илмий қарашларидан фойдалангани, аммо унинг мўътазилага (المعتزلة) ва шиаликка (الشيعة) оид ақидаларини эса, ўз шарҳида мотуридия (الماتريدية) ва ашъария (الأشعرية) нуқтаи назаридан изоҳлагани аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Али Қушчи ўз шарҳида Тусийнинг мўътазилага (*бандага лутф қилиши Аллоҳга вожиблиги*) ва шиаликка (*раҳбарнинг бегуноҳлиги, саҳобаларга беҳурматлик*) оид қарашларига раддия бериб, унинг ашъария (*таквин алоҳида сифат эмаслиги*) ва мотуридияга (*имон шартлари, фаришта ва инсон мавқеи*) мувофиқ ақидаларини кўллаб-қувватлагани аниқланган;

асарда илоҳиёт (الإلهيات) масалалари нақлий (216 та оят, 50 та ҳадис) ва ақлий (*рационал*) далиллар (الأدلة العقلية والعقلية) синтези орқали шарҳлангани, илк классик матнлардан фарқли равишда илоҳнинг ягоналигини (توحيد الإله) нақлий далиллашдан аввал илоҳни инкор қилувчиларга Яратувчининг борлигини (وجود الصانع) мантиқий исботлаш услуби қўллангани далилланган;

асарнинг нусха ва нашрлари рақамли таҳлил қилинган: “Тажрид” га шарҳ ва ҳошия ёзган 192 нафар муаллиф номи маълум. Матннинг 9 та нусхаси, унга ёзилган 15 номдаги шарҳ ва 47 номдаги ҳошиянинг жами 92 та нусхаси дунё фондларида, жумладан, 30 та нусхаси Ўзбекистонда сақланади. Уч номдаги шарҳнинг жами 45 та нусхаси бор бўлиб, уларнинг 39 таси Али Қушчи шарҳининг нусхалари. Жами 47 номдаги ҳошиянинг фақат 17 та нусхаси бор, улардан 12 таси Али Қушчининг шарҳига ёзилган ҳошияларнинг нусхалари сақаниб қолган. Жами шарҳларнинг 4 таси ва ҳошияларнинг 20 таси аҳли сунна олимлари томонидан ёзилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги “Шарҳ Тажрид ал-калом” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фондида № 5917 (3343, 3309), Гарвард университети кутубхонасида № OL22800.10.5F инвентарь рақамлари остида сақланаётган кўлөзма нусхалари ҳамда Собир Абдух ва Аҳмад Обидий томонидан амалга оширилган замонавий нашрларига таянилгани, далиллар билан асослангани, қиёсий-тарихий усуллардан фойдаланилган, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари – темурийлар давридаги калом илмига оид муҳим манба эканлиги борасидаги илмий-назарий хулосалар соҳага оид янги илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, улардан олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида ўқитиладиган “Исломшунослик”, “Ақидавий йўналиш ва оқимлар”, “Калом илми тарихи ва назарияси”, “Калом (ақоид)”, “Мотуридия таълимотига оид манбалар”, “Мовароуннаҳр мутакаллимлари илмий мероси”, “Муташобих оятлар таҳлили” каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитишда, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари – темурийлар давридаги калом илмига оид муҳим манба” мавзуида олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

ислом илмларининг (العلوم الإسلامية) ёйилиш ва ривожланиш замони саналган IX-XII асрларда диний эътиқодни тўғри талқин этиш мақсадида калом илмида “матнлар” (المتون) туркумидаги кичик рисоалар (المؤلفات العقائدية) ёзилгани, темурийлар даврига (XIV-XV асрга) келиб эса, уларни кенгроқ англашга эҳтиёж ортгани сабабли “шарҳлар” (الشروح) ёзиш тенденциясининг жадаллашгани 29 та шарҳ асар асосида очиқ берилгани хусусидаги илмий хулосалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмаси асосида тайёрланган “Калом” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-сон буйруғи). Натижада, бу талабаларнинг темурийлар давридаги калом илмига оид тарихий манбалар мазмун-моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини тўғри англашларига, илмий асосланган кўникмаларнинг шаклланишига хизмат қилган;

Али Қушчи 15 ёшида Кирмонда биринчи “Шарҳ Тажрид ал-калом” (شرح الكلام) асарини ёза бошлагани, 25 ёшидан эса, “Зиж” га шарҳ (شرح زيچ) битгани мисолида ўрта асрларнинг илмий анъанасига мувофиқ қомусий олимларнинг, аввало, диний илмларни ўзлаштириб, кейин аниқ ва табиий фанларни ривожлантиргани асослангани хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази буюртмаси асосидаги “Алломалар ҳаёти ва фаолияти” лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2022 йил 31 августдаги 637-сон маълумотномаси). Натижада, жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Али Қушчи каби олим ва мутафаккирлар меросининг тарихий ва замонавий цивилизация тараққиётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ёритишга хизмат қилган;

олим ўз шарҳида баҳсли бўлган масала – амалнинг (العمل) имон (الإيمان) шартига кирмаслигини («иржоб» الإرجاء) имоннинг жойи қалбда экани (3 та оят, 2 та ҳадисга кўра), амал эса, тана аъзолари билан бажарилиши далили асосида исботлаб бергани аниқлангани хусусидаги илмий хулосалар Дин ишлари бўйича кўмита буюртмаси асосида тайёрланган “Мотуридия таълимоти тарихи” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 26 августдаги 02-03/6699-сон маълумотномаси). Натижада,

талабаларда ислом дини таълимоти, мотуридия ақида мактаби борасида тўғри илмий фикрнинг шаклланишида ва деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этган;

аллома Али Қушчи Тусийнинг аниқ фанларга оид илмий қарашларидан фойдалангани, аммо унинг мўътазилага (المعتزلة) ва шиаликка (الشيعة) оид ақидаларини эса, ўз шарҳида мотуридия (الماتريدية) ва ашъария (الأشعرية) нуқтаи назаридан изоҳлагани хусусидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Буюк юрт алломалари” туркум дастурлари доирасида Али Қушчининг илмий меросига оид тизимли кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси 2022 йил 2 февралдаги 06-31-230-сон маълумотномаси). Натижада, тарихий билимларнинг ошиши ва миллий ғурур туйғусининг шаклланиши учун олим ижодига оид илмий маълумотларни кенг жамоатчиликка етказишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 9 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Темурийлар давридаги калом илмини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида Мирзо Улуғбек давридаги диний-маърифий муҳит, XIV-XV асрлардаги мовароуннаҳрлик олимларнинг калом илмига оид асарлари хусусияти, Али Қушчи шахсияти ва фаолиятининг ўз даври илмий муҳитидаги ўрни таҳлил этилган.

“*Мирзо Улуғбек даврида Мовароуннаҳрдаги диний-маърифий муҳит*” деб номланган биринчи параграфда XV аср биринчи ярмида Мирзо Улуғбек ва Али Қушчининг илм-фан соҳасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида юзага келган ижтимоий-маърифий муҳит ислом илмларининг ривожиди ҳам муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилгани ўрганилган.

Дастлаб, мўғуллар даврида (XIII) Ўрта Осиёдаги қадимий маданият таназули бошланган. Расмий мақоми сусайиб борган ислом динининг кейинчалик (XIV) расмий дин сифатида тикланишига сабаб шундаки, мўғул хонлари Қозонхон ва Тормаширин кубровия шайхлари таъсирида ислом динини қабул қилган⁶. Темурийлар даврида (XV) ақида ва фикҳдан кейин диннинг учинчи таркибий қисми, рухий-ахлоқий тармоғи бўлган тасаввуф тариқатлари кучайган.

Мазкур даврдаги давлат ва дин арбобларига, тарихий шахсларга нисбатан тарихий манба ва адабиётларда турли талқинлар учрайди. Абдураззоқ Самарқандий, Коший, Навоийлардан фарқли равишда В.Бартольд, М.Шайхзода, А.Асқаровлар Мирзо Улуғбекни ислом илмларига қарши сиймо этиб тасвирлаганлар. Мирзо Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда қурдирган 3 та мадрасада дунёвий ва диний фанлар ўқитилган⁷. Демак, ўрта асрлар Мусулмон Шарқи қомусий олимлари муваффақиятининг сабабларидан бўлган “дунёвий ва диний” илм-фан уйғунлиги қайта жонланишининг (ренессанс) омилларидан бири бўлган. Аслида, илмни бундай таснифлаш ҳам шартли. Чунки “диний” илмни Форобий – “илоҳиёт ва осмондан ташқаридаги нарсалар ҳақидаги илм” деб, Хоразмий – “олий илм – илоҳиёт” деб, Ибн Сино – “нақлий илмлар” деб, Ғаззолий эса, “шаръий – мақталган илмлар” дея номлаб таснифлаганлар.

“*XIV-XV асрлардаги мовароуннаҳрлик олимларнинг калом илмига оид асарлари хусусияти*” деб номланган иккинчи параграфда 30 нафар мутакаллимнинг 35 та асар ёзгани аниқланган. Улардан 23 нафари 29 та шарҳ ва ҳошия, 3 нафари эса, 6 та мустақил асар муаллифи, 4 нафарининг асарлари дарслик сифатида ўқитилган.

Ислом илмлари ёйилиш ва ривожланиш суръати юқори бўлган IX-XII асрларда диний эътиқодни тўғри талқин этиш мақсадида, калом илмида “матнлар” туркумидаги кичик рисоалар ёзилган. Темурийлар даврига (XIV-XV) келиб эса, мазкур классик асарларни кенгроқ англашга эҳтиёж ортгани сабабли фундаментал “матнлар” га “шарҳлар” ёзиш тенденцияси кузатилади.

Ақидавий масалалар фалсафий методлар орқали таҳлил қилиниши натижасида, калом уламолари томонидан ёзилган асарлар агар самъий (*нақлий*) далиллар орқали асосланмаса⁸ ва самъиёт (*нақлиёт*) масалаларини

⁶ Қаранг: Асқаров А. Темур ва Улуғбек даври тарихи. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. -Б.35; De Weese D. The Eclipse of the Kubraviyah in Central Asia. –Iranian Studies. Volume 21. Number 1-2, 1988. P.47; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордена в исламе. Пер. с англ. Ставинской А., под ред. Акимушкина О. – Москва: Наука, 1989, С.64.

⁷ Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъ-и саъдайн ва мажмаъ-и баҳрайн. Уринбоев А. форс тилидан тарж., -Т., 1969; Долимов У. Абдий зиё маскани. <http://madrasa.uz/madrasa-darslik/397-abadiy-ziyomaskani.html> 19.12.2016 й.

⁸ Ҳасан Шофейй. Ал-Мадҳал ило дироса илм ал-калом. Қоҳира, 1991. Б.116.

ҳам ўз ичига олмаса⁹, у ҳолда уларни фалсафага оид асарлардан фарқлаб бўлмай қоларди.

Темурийлар давридаги калом илми ривожини аввалги даврлар даражасидаги каби бўлмаса-да, каломга оид дастлаб ёзилган кўплаб асарларга турли шарҳлар ёзилиши, кенг ҳудудларга ёйилиши ва ўқитилиши нуқтаи назаридан ўзига хос салмоқли бўлган. Мазкур даврда ақидавий фирқаланиш авж олмаган. Чунки, маҳаллий аҳли сунна олимларининг салоҳияти юқори бўлган, айнан уларнинг асарлари кенг шарҳланиб ўқитилган, бошқа фирқаларга илмий асосланган муносиб раддиялар берилган. Олимлар фаолиятини маҳаллий ҳукмдорлар қўллаб-қувватлаган, фирқаланишларга эса, қаттиққўллик билан барҳам берилган.

“Али Қушчи шахсияти ва илмий мероси” деб номланган учинчи параграфда темурийлар даври илмий муҳитида Али Қушчининг (1403–1474) шахсияти ва фаолияти ўзига хос муҳим аҳамият касб этгани ўрганилган, таржимаи ҳоли хронологик тикланган. Бунда қуйидаги жиҳатлар: 1) Али Қушчининг ҳукмдорлар билан алоқаси; 2) ҳукмдорларнинг олимларга, хусусан, Али Қушчига бўлган муносабати; 3) сиёсатнинг илм ва олимларга бўлган таъсири очикланган. Ҳукмдорларнинг ижобий сиёсати билан олимлар фикрий-ғоявий кўлами маълум бўлади: 1) илм-фан ва олимларга шижоат ва рағбат, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатган Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Фотиҳ II каби; 2) бунинг акси бўлган Абдулатиф каби ҳукмдорлар қиёсланган.

Али Қушчи ҳаёт йўли ва фаолияти кечган даврларни, шартли равишда, 3 босқичга таснифлаш мумкин:¹⁰ 1) темурий ҳукмдорлар соясида Самарқанддаги ўсмирлик ва ёшлик даврида оиласи ҳамда қариндошлари орасида, устози Улуғбек ҳомийлигида унинг вафотига қадар (1449 йилгача); 2) Мовароуннаҳрда темурийзодалар ўртасидаги сиёсий беқарорлик (1471 йилгача); 3) усмоний Султон Муҳаммад Фотиҳ II соясидаги даври (1474 йилгача).

Али Қушчи илмий салоҳиятига темурийлар ва усмонийлар даври маданиятининг кўрсатган таъсири унинг серқирра фаолияти ва илмий меросида намоён бўлган. Унинг илмий фаолияти серқирра ва салмоқли бўлгани, араб ва форс тилларида турли фан соҳаларига – аниқ ва табиий фанлар, ислом илмлари, тилшуносликка оид 31 та асар ёзгани аниқланиб, илк бора тўлиқ рўйхати шакллантирилган ҳамда 8 турга гуруҳланган: математика (4 та), астрономия (6), механика (1), тилшунослик (8), фикҳ (3), тафсир (2), калом (3) ва бошқа (4) фанларга оид асарлари.

“**Шарҳ Тажрид ал-калом**” асарининг манбашунослик таҳлили” деб номланган иккинчи бобда аллома асарлари классификация қилинган, “Шарҳ Тажрид ал-калом” нусхалари кодикологик таҳлил қилинган, “Тажрид ал-калом” шарҳ ва ҳошиялари орасида Али Қушчи шарҳининг ўзига хослиги, асарнинг манбалари ва услуги ўрганилган.

⁹ Bekir Topaloğlu, *Kelâm İlmi Giriş*, İstanbul, 1996, s. 35.

¹⁰ Қаранг: Аҳмад Афиий. Али Қушчи “Унқуд аз-завоҳир фи ас-сарф”. Дор кутуб ал-мисрия. -Қоҳира. 2001.-Б.23.

“*Шарҳ Тажрид ал-калом*” нусхаларининг кодикологияси” деб номланган биринчи параграфда асар қўлёзмаларининг 4 та нусхаси кодикологик таҳлил қилиниб, манбашунослик жиҳатидан ўрганилган. Асарнинг Ўзбекистондаги 17 та нусхаси 973/1565 – 1235/1819 йиллар оралиғида, унга ёзилган ҳошияларнинг 6 та нусхаси 1075/1665 – 1313/1895 йиллар оралиғида кўчирилган.

Али Қушчи суннийлик ва шиалик ақидасига, ҳанафийлик фикҳига оид асарларга шарҳлар ёзгани, калом, тафсир ва фикҳ каби ислом илмлари ҳамда тилшунослик, мантик, аниқ ва табиий фанларга оид фундаментал илмий-амалий тадқиқотлар қилгани, унинг ҳар томонлама қомусий аллома эканидан далолат беради.

“*Али Қушчи асарининг “Тажрид ал-калом” шарҳ ва ҳошиялари орасида тутган ўрни*” деб номланган иккинчи параграфда матн, шарҳ ва ҳошиялар тавсифи ҳамда улар орасида Али Қушчи шарҳининг тутган ўрни ўрганилган.

XIV асрда 6 та, XV асрда 17 та, XVI асрда 18 та, XVII асрда 6 та, XVIII асрда 2 та, XIX асрда 4 та шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Матн 2 марта: Искандария (1996 й.) ва Ҳиндистонда (1890 й.); 6 та шарҳ 11 марта: Искандария (2002 й.), Байрут (1988, 1998 й.), Қум (1951, 1968, 2003, 2012 й.), Кувейт (2012 й.), Табриз (1880 й.), Ҳиндистон (1886 й.) ва Нажафда (1961 й.); 2 та ҳошия 2 марта: Истанбул ва Қум каби жами 8 та давлатда 15 марта айрим қисмлари нашр этилгани, аммо Али Қушчи шарҳи ва унга ёзилган ҳошия тўлиқ нашр қилинмаган.

У ақида масалаларни шарҳлашда 216 та оят ва 50 та ҳадисдан далиллар келтириб, каломий усулда, табиий ва аниқ фанлар билан узвий шаклда таҳлил қилган. Имомат ва 12 имомнинг маъсумлиги каби масалалардаги Тусийнинг шиаликка оид ақидавий қарашларига Али Қушчи ва бошқа сунний олимлар (Исфарионий, Исфаҳоний, Акмалиддин Бобартий, Ҳасан Фанорий, Шамсиддин Хаёлий, Жалолиддин Даввоний, Ибн Камол Пошо, Асомиддин Тошқўпризода) билдирган танқидий ёндашувларига шиа олимлари (Аҳмад Ардабилий, Садриддин Шерозий) раддиялар ёзганлар.

“*Асарнинг манбалари ва услуби*” деб номланган учинчи параграфда шарҳнинг ёзилишида манба сифатида мурожаат қилинган асарлар, унда қўлланилган услуб ҳамда кейинги олимлар ижодига таъсири ўрганилган.

Али Қушчи ўзининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари муҳим эканлигини ва уни ёзиш учун етмиш жилд китобни ўрганиб чиққанлигини таъкидлайди. Унга Розий, Тусий, Ҳиллий, Садрушшариъа, Исфаҳоний, Ийжий, Журжоний ва Тафтазоний кабиларнинг асарлари манбавий асос вазифасини ўтаган. Шунинг учун Али Қушчининг шарҳи “Тажрид” шарҳларининг энг яхшиси ва нафисидир. Чунки у Исфаҳонийнинг шарҳи, Журжонийнинг ҳошияси ва “Шарҳ ал-Мавоқиф” ҳамда Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-Мақосид” асарларидан фойдаланган ҳолда ўзининг қарашлари билан бойитган¹¹, хулосавий таҳлиллар берган.

¹¹ Қаранг: Hâlid b. Hammâd el-Advânî, “Mukaddime”, Şemseddin el-İsfahânî, Tesdîdü'l-kavâid fi şerhi Tecrîdi'l-akâid. – Kuveyt, 2012, I; 54-55.

Али Қушчи Тафтазонийнинг (ваф. 792/1390 й.) асарларидан фойдаланган. У эса, Умар Насафийнинг (ваф. 537/1143 й.) “Ақоид” асарига шарҳ ёзган. У ушбу асаридан Мотуридийнинг (ваф. 333/944 й.) “Китоб ал-Тавҳид” асаридан таъсирланган. Демак, ушбу силсила занжири Али Қушчи ва Мотуридий услубидаги ўхшашлик бежиз бўлмаганлигини кўрсатади.

Хаёлий (ваф. 886/1481 й.), Даввоний (ваф. 918/1513 й.), Баёзий (ваф. 1078/1687 й.), Ноблусий (ваф. 1143/1730 й.), Сочиюқлизода (ваф. 1145/1732 й.), Али Саббон (ваф. 1206/1792 й.), Кётахаёлий (ваф. 1329/1911 й.) ва Бабанзода Аҳмад Наим каби олимлар Али Қушчининг шарҳига мурожаат қилиб, ўз асарларида ундан фойдаланиб, унга ишора қилганлар.

Тусий (ваф. 672/1273 й.) ва Али Қушчи калом ва табиий фанлар билан ҳам шуғулланганлари боис ақидавий масалаларни таҳлил ва баён қилишда Мотуридий каби ноанъанавий – фанлараро интеграция услубида ёндашганлар. Айниқса, “Тажрид” матнидаги биринчи мақсад – “Умумий масалалар” бўлимида¹² араз, жавҳар, модда ва жисмлар ўртасидаги хусусият ҳамда боғлиқликларни қиёслашнинг диалектик методологиясида бу ақс этган.

“Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асаридagi эътиқодий қарашлари” деб номланган учинчи бобда асардаги ақидавий мавзуларнинг талқини, Яратувчи сифатлари борасидаги баҳсларнинг тарихий жиҳатлари, илоҳиёт масалаларидаги нақлий ва ақлий далиллашнинг замонавий аҳамияти ёритилган.

“Асардаги ақидавий мавзуларнинг талқини” деб номланган биринчи параграфда имон, таквин, имомат, гуноҳ, шафоат ва Аллоҳни кўриш хусусидаги Али Қушчи қарашларининг ашъария ва мотуридияга мувофиқлиги таҳлил қилинган.

Асарда ақида билан бирга, Қуръон илмлари, фалсафа, мантик, гносеология, онтология, аниқ ва табиий фанларга оид мавзулар ҳам қамраб олинган. Ақида ва каломга оид дастлабки фундаментал классик матн ва асарларда¹³ бу каби мавзуларга таснифланиш, бошқа ислом илмлари ва фан соҳаларининг ҳам қамрови кам кузатилади.

Тусий матнидаги мавзуларни “мақсад” деб номланганини, ушбу асар ҳамда унинг муаллифи илмий мероси билан яхши таниш бўлган Тафтазоний асарларида ҳам (сунний китобларда илк бора) кўриш мумкин. Гарчи муаллифнинг ўзи асарида бу ўхшашлик ҳақида маълумот бермаган бўлса-да, унинг “Мақосид” ва “Шарҳ ал-мақосид”, устози Азудиддин Ийжийнинг (ваф. 756/1355 й.) “Мавоқиф” номли асарларидаги мавзуларнинг таснифида жуда яқин ўхшашликлар бор. Булар кейинги (мутааххир) даврдаги каломга оид энг муҳим асарлар сифатида эътироф қилинган. Демак, Али Қушчининг Тусий асарига мурожаат қилиши ва катта шарҳ ёзиши бежиз ёки тасодифий бўлмаган.

¹² Қаранг: Жалолоддин Даввоний. Али Қушчининг Тажрид шарҳига ҳошия. Гарвард университети кутубхонаси. №OL22800.10.5F. 1966.-Б.152.

¹³ Абу Ҳанифанинг (ваф. 150/767 й.) “ал-Фикҳ ал-акбар”, Абу Жаъфар Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) “ал-Ақида ат-таҳовия”, Абу Ҳафс Насафийнинг (ваф. 537/1143 й.) “ал-Ақоид ан-насафия” каби асарларида.

“Тажрид” даги мундарижа: умур омма (умумий масалалар), жавоҳир (субстанция) ва аъроз (акциденция), илоҳиёт, нубувват (пайғамбарлик), имомат (рахбарлик), маъод (қиёмат). “Мақосид” да эса: мабодий (асослар), умур омма, жавоҳир, аъроз, илоҳиёт (+нубувват, имомат), самъиёт (+қиёмат).

Али Қушчи ўз шарҳида ҳанафийлик асосчиларидан Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф қарашларини зикр қилади, Мотуридий ва Ашъарийга нисбатан “шайх” иборасини қўллаб, Ғаззолий ва Розийни “имом”, деб ҳурматлайди. Мўътазила вакилларидан Наззом, Аллоф, Жуббойи, Абдулжаббор, шиалардан Муртазо, файласуфлардан Ибн Ровандий кабиларга асосли раддиялар беради.

Тусий матнига кўра, “Имон тасдиқдир”. Али Қушчи буни шарҳлаб¹⁴ айтадики, имоннинг тасдиқ экани умумий луғавий маънода бўлиб, Юсуф (а.с.) акаларининг қиссасидаги “бизга ишонмадинг” ояти “тасдиқламадинг” мазмунида, “Имон – Аллоҳга, фаришталарига,... ишонишдир”, мазмунидаги ҳадис бунга далил бўлади. Карромийларга кўра имон – шаҳодат калимасидир (айтишдангина иборат холос), хаворижлар аъзоларнинг амаллари, дейишди. Имоннинг дил ва тилда бўлиши борасида Тусий ва Али Қушчи мотуридияга мувофиқдир. Унга кўра, имоннинг бош руқни битта – қалбан тасдиқлашдир. Тилда иқроор эса, аҳкомлар ижроси учун қўшимча шарт бўлади. Амал эса, имон борлигининг шарт эмас, балки имон комиллигидандир.

Али Қушчи Аллоҳнинг “таквин” сифати қудрат ва иродадан алоҳида сифат эмас, деб ашъарияга мувофиқ келади. “Хабарий” сифатлардан “яд”, “важҳ” кабилар бошқа сифатларга яқин маънода таъвил қилиниши масаласида мотуридия қарашларини қўллаб-қувватлайди. Тафтазоний “таквин Аллоҳ таолонинг азалий сифатидир”, деб таъкидлаган.

Суннийликда саҳобалар, хусусан, тўрт рошид халифалар умматнинг афзал кишилари, деб ҳисобланади, шиаликда эса, улар аёвсиз танқид қилинади. Али Қушчи Тусийнинг шиаликка оид қарашларига – “рошид халифаларнинг Алидан бошқа 3 таси муносиб бўлмагани, Али ва 12 имомнинг маъсум (беғуноҳ) лиги” ҳақидаги ақидасига суннийлик нуқтаи назаридан нақлий, ақлий ва тарихий жиҳатдан асосли жавоблар берган. Асалариларда ҳам раҳбарлари бўлишини мисол тариқасида зикр қилади. Раҳбарнинг (имом) гуноҳдан пок (маъсум) бўлиши ёки энг афзал киши бўлиши имомия мазҳабида кўра вожиб саналса-да, аҳли сунна наздида эса, вожиб эмаслигини асослаб берган.

Асосан, ақлни нақлдан устун қўйиш билан танилган мўътазиланинг, аксинча, айрим самъиёт (нақлий далил) ларни таъвилсиз ноўрин мутлақлаштиришларини Али Қушчи танқид қилади. Хусусан, катта гуноҳ қилганлар муносиб жазони олгач, азоби тўхтатилиши, жаннатга киритилиши ёки шафоат қилиниб, озод этилиши аҳли суннага кўра мақбул. Мўътазила эса, бунга қарши ўлароқ, абадий азобланиш ва шафоат қилинмаслик ҳақидаги

¹⁴ Қаранг: Али Қушчи “Янги шарҳи” га Даввонийнинг “Янги ҳошия”си. Гарвард университети кутубхонаси. Қўлёзма №OL22800.10.5F. 1301/1884 й. электрон нусха (Бундан кейин: Али Қушчи. Янги шарҳ). -Б.400-427.

оятларни далил қилади. Али Қушчи эса, ушбу оятларнинг кофирларга хос эканлиги ёки абадийликдан мурод узоқ вақт қолиш, деб таъвил қилинишини таъкидлайди.

Аллоҳни кўриш масаласидаги оят ва ҳадисларни таҳлил қилиб, ашъарийларнинг ақлий далилига кўра, кўриш мумкинлигини келтириб, кўриш жисмоний эмас, маънавий идрок, интизорлик ва раббининг мукофотини кўриш, деб таъвил ҳам қилади. Шунингдек, “Аллоҳнинг томонлардан холи эканлиги, акс ҳолда, ҳар қандай томонга эга бўлган нарса жисм бўлишини” таъкидлаб, Али Қушчи ақлий-мантикий жиҳатдан асослайди.

Али Қушчи ақидавий қарашларини мотуридия-ашъария мактабларига мувофиқ таҳлил қилиб, нақлий ва ақлий далилларни ўринли қўллаган. Унинг мазҳаби ҳақидаги қисқа маълумотларда аҳли сунна, ашъарий, ҳанафий олимлардан бўлгани манба ва далилга ишорасиз келтирилган. У ашъария (таквин алоҳида сифат эмаслиги) ва мотуридияга (имон шартлари, фаришта ва инсон мавқеи) мувофиқ ақидаларни қўллаб-қувватлаган.

“*Яратувчи сифатлари борасидаги баҳсларнинг тарихий жиҳатлари*” деб номланган иккинчи параграфда асарнинг “Илоҳиёт” қисми таҳлил қилинган. Унда жами 33 тага умумлаштирилган Аллоҳнинг сифатларидан 8 таси – зотий, 15 таси – инкорий, 10 таси – бошқа сифатлар деб таснифланган.

Тусийнинг матнига кўра, “аммо яд, важҳ, қадам, раҳмат, карам, ризо ва таквин – юқорида келтирилган сифатларга қайтади (таъвил қилинади)”. Бунга Али Қушчи¹⁵ қуйидагича шарҳ берган: “яъни яд – қудрат, важҳ – вужуд, қадам – бақодир. Аммо раҳмат, карам, ризо сифатлари эса, ҳар бири хос иродадир. Таквин эса, қудрат ва иродадан *бошқа нарса* эмасдир”. Ҳанафийларда “таквин – машҳур 7 сифатга зиёда азалий сифатдир”.

Розий фикрича, Қуръон ва ҳадислардаги баъзи зоҳирий маъноларни таъвил қилинмаса, битта “юз” ва унда кўп “кўзлар”, битта “ёнбош” ва унда кўплаб “қўллар”, битта “болдир” бор бўлган қандайдир бир худони, ақли бор инсон ўз раббисини бундай сифат билан васф қилишга рози бўлмайди¹⁶. Булардан маълум бўладики, ҳар бир оқил кишининг таъвилга мурожаат қилиши зарурийдир.

Бу борада уч хил қараш мавжуд: 1) муташобих оят ва ҳадисларнинг таъвили борлигини эътироф этиб, маъноси ва кайфиятининг асл ҳақиқатини Аллоҳ таолонинг илмига ҳавола (тафвиз) қилиш; 2) уларни муносиб тарзда таъвил қилиш бўлиб, ҳар иккиси ҳақида саҳобалардан ривоят қилинган¹⁷; 3) муташобих оят ва ҳадисларни таъвил қилмасдан, уларнинг зоҳирини олиш бўлиб, буни тарихда ўтган жаҳмия ва мужассима каби тоифалар илгари сурган.

¹⁵ Али Қушчи. Янги шарҳ. – Б. 348–390.

¹⁶ Фаҳриддин Розий (ваф. 606/1209 й.). Асос ат-такдис фи илм ал-калом. Муассаса ал-кутуб ас-сақофия. Байрут. 1995.-Б.98;

¹⁷ Бадриддин Муҳаммад б. Абдуллоҳ Заркаший. Ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон. – Қоҳира: Дор ат-турос, 1984. – Ж. II. – Б. 78-89.

Яна, уларнинг нақлсиз, фақат ақлий-мантикий фикрларича, ҳар бир мавжудлик борки, у жисм бўлади¹⁸.

